

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУДУДЛАР ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Шахноза Хуршид қизи СУНАТУЛЛАЕВА

таянч докторант

Тошкент молия институти

Тошкент, Ўзбекистон

e-mail: sunatullaevashahnoza@gmail.com

Аннотация

Мақолада республикамиз инвестиция сиёсати, унинг амалий таҳлили ва республика ҳудудларида инвестицион фаолликни оширишга қаратилган механизмни такомиллаштириш масалалари ёритилган. Шунингдек, бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестиция сиёсати натижалари, амалий таҳлиллари келтирилган.

Таянч сўзлар: ҳудуд, тўғридан-тўғри инвестициялар, инвестиция сиёсати, инвестицион фаоллик, қўшилган қиймат, инвестиция мухити, инвестицион жозибадорлик.

РАЙОНЫ УЗБЕКИСТАНА ЯВЛЯЮТСЯ ЗОНАМИ ПОВЫШЕННОЙ ИНВЕСТИЦИОННОЙ АКТИВНОСТИ

Шахноза Хуршид қизи СУНАТУЛЛАЕВА

Докторант

Ташкентский финансовый институт

Ташкент, Узбекистан

e-mail: sunatullaevashahnoza@gmail.

Аннотация

В статье освещаются инвестиционная политика нашей республики, ее практический анализ и совершенствование механизма, направленного на повышение инвестиционной активности на территории республики. В этой связи также представлены результаты и практический анализ инвестиционной политики, реализуемой в нашей стране.

Ключевые слова: территория, прямые инвестиции, инвестиционная политика, инвестиционная деятельность, добавленная стоимость, инвестиционный климат, инвестиционная привлекательность.

2022 йилда дунё иқтисодиётида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 1,3 трлн. долларга камайди. Албатта, бундай пасайиш суръати иқтисодиёти ривожланган мамлакатлардаги молиявий оқимлар ҳажмининг камайиши билан боғлиқ. Кўпгина ҳудудлар ва тармоқлардаги янги инвестицион лойиҳаларнинг ўсиши инвестиция тенденциясидаги ижобий ҳолатни белгилади. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ривожланган мамлакатлардаги ўсиш салмоғи сезиларсиз бўлган [6]. Дунё

иқтисодиётида кўпгина мамлакатларнинг фаол инвестиция сиёсатинининг олиб борилиши натижасида иқтисодий инқирознинг олди олинган. Давлатнинг инвестиция соҳасидаги сиёсати иқтисодий фаолликка қаратилган бир қанча чора-тадбирлар натижасида дунё мамлакатлари пандемия давридан олдинги ҳолатга қайтди.

Ўзбекистонда кейинги йилларда ҳудудлар саноати ривожланишига, бу соҳада технологик ва инновацион сиёсатни амалга оширишга, харажатларни камайтириш мақсадида юқори технологияларни татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ҳудудларда табиий ресурслар етишмаслиги ҳамда мунтазам равишда улар нархининг ошиб бориши, саноат ишлаб чиқаришида истеъмол, ижтимоий ва экологик стандартларнинг ўзгариши ва мураккаблашиб бориши, рақобатнинг кучайиши, саноат ишлаб чиқариши самарасининг доимий равишда ошиб бориш зарурияти, ишлаб чиқарилаётган товарларнинг сифат ва технологик кўрсаткичларига талабнинг қатъийлашуви туфайли илмий техник тараққиётнинг маҳсули сифатида меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишлаб чиқариш воситаларини такомиллаштириш орқали маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш заруриятга айланмоқда. Зеро, ҳозирги тараққиёт босқичида ҳудудларда инвестициялардан самарали фойдаланишининг аҳамияти беқиёс ва айнан шу ҳолат мазкур муаммонинг долзарблигини белгилаб беради. Мамлакатда шаклланган инвестиция сиёсатини амалга ошириш, ҳудудий инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиши, уни амалга оширишини бошқариш, корхоналарнинг инвестиция киритиш учун истиқболли эканлигини баҳолаш усуллари ва механизmlарини ишлаб чиқариши модернизация қилиш, ҳудудий инвестиция муҳити жозибадорлигини ошириш борасидаги вазифаларни такомиллаштириш зарурати давр тақозосидир.

Академик С.С.Ғуломовнинг фикрича, “Инвестиция деб, ҳар бир инвесторнинг ихтиёридаги молиявий, моддий ва ақлий бойликларини бирламчи иқтисодий самара олиш мақсадида бирор- бир инновацион объектга сарфлашига айтилади” [3]. Бу тушунча Д.Фозибеков [5] берган

таърифга кўра, инвестициялар ноаниқлик эҳтимоли бўлган ва келгусида кутилаётган қийматга капиталнинг аниқ бўлмаган бугунги қийматини алмаштиришдан иборат. Бунинг далили сифатида инвестицияларнинг сафарбар этилишида уларнинг онгли равишда аниқ ва ноаниқ бўлган қалтисликлар билан боғланишини келтиради.

А.Собировнинг [4] эътироф этишича инвестициялар – бу даромад олиш ёки ижтимоий самараға эришиш мақсадида тадбиркорлик ва фаолиятнинг бошқа турлари обьектларига инвесторлар томонидан қўйиладиган мулк ва интеллектуал қадриятларнинг барча турларини ифодаловчи маблағларнинг киритилишидир. Мамлакат худудлари инвестициявий фаолияти тўғрисида И.А.Бланкнинг фикрича [2], иқтисодиёт тармоқларининг инвестиция жозибадорлигини баҳолашнинг уч асосий элементи мавжуд: иқтисодиёт тармоқлари ривожланишининг истиқболлилик даражаси, корхоналарнинг ўртача рентабеллик даражаси, ҳудудий инвестиция таваккалчиликларини баҳолаш. Мамлакат худудларининг инвестициявий жозибадорлигини баҳолашнинг асосий элементларига эса: ҳудуднинг умумий иқтисодий ривожланиши, инвестиция инфратузилмаси, бозор муносабатлари ва тижорат инфратузилмаси даражаси, ҳудудда инвестиция фаолиятини юритиш хавфсизлиги ҳолати ҳамда ҳудуд демографик тавсифи киритилган.

Тадқиқот ишида келтирилган назарий ёндашувлар, уларнинг асосини ташкил этадиган белгилар инвестицияларни бошқаришда ҳудудий инвестицион фаолиятларни амалга оширишда ва тизимли ёндашувни кўзлаган ҳолда белгиланган вазифалар мажмуини ҳал этиш имкониятини беради.

Маълумки, инвестициялар жамиятнинг реал капиталини кўпайтиришга йўналтириш ва иқтисодиёт тармоқларининг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга хизмат қиласди. Тармоқлар иқтисодиётига янги технологиялар ва инвестициялар киритиш кескин рақобатчилик курашида (ички ва ташқи бозорда ҳам) аниқроқ мослашиб олиш имконига эга бўлишга ёрдам беради. Инвестициялар энг муҳим иқтисодий категория бўлиб, макро ва микро даражада, биринчи навбатда, оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш,

таркибий ўзгаришлар, фойдани максималлаштириш ва шу асосда кўплаб ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун мухим рол ўйнайди. Инвестицияларни жалб қилиш манбалари бўлиб, республика ва маҳаллий бюджет ажратмалари, хорижий инвестициялар шахсий молиявий маблағлар, турли шаклдаги қарз маблағлари хизмат қилиши мумкин. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, инвестициялар худудларнинг доимий ривожланишини таъминлайди, қуйидаги вазифаларни ҳал этишда ёрдам беради: молиявий ресурсларни жамлаш ҳисобига шахсий тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, янги корхоналарни сотиб олиш, бизнеснинг янги йўналишларини эгаллаш. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида инвестицион фаолликнинг ўзгаришини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Республикаизда инвестицион жараёнлардаги ўзгаришлар, асосан, ЯИМнинг барқарор ўсишини таъминлашда мухим аҳамиятга эга бўлган саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларига инвестицияларни жалб этишга устуворлик берилиши билан боғлиқдир.

1-жадвалда Ўзбекистон Республикасида 2015–2022 йилларда аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг ўзгариш тенденцияси келтирилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар 1431,7 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб мазкур кўрсаткич 7468,6 минг сўмни ташкил этган, яъни ўсиб борувчи тенденция кузатилган. Худудлар кесимида 2015–2022 йиллар бўйича таҳлил қиласиган бўлсак, аҳоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестицияларнинг энг юқори улуш салмоғи 2015–2020 йилларда Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятига тўғри келган. 2020–2022 йилларда эса энг юқори улуш салмоғи Тошкент шаҳри, Навоий, Сирдарё, Тошкент, Бухоро вилоятларига тўғри келган. Мазкур йилларда энг паст кўрсаткич салмоғи Фарғона, Сурхондарё, Хоразм, Андижон вилоятларига тўғри келган.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2015–2022 йилларда ахоли жон бошига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар, минг сўм [7].

Худудлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Ўзбекистон Республикаси	1431,7	1608,6	2227,8	3769,6	5834,6	6140,3	6861,0	7468,6
Қорақалпоғистон Республикаси	3388,2	2094,0	1542,2	3641,1	4644,4	3710,0	4189,2	5225,5
Андижон	678,4	745,3	999,6	1550,3	2406,0	3047,2	3470,1	4361,1
Бухоро	2264,0	3237,6	6254,2	5112,4	5429,3	6295,0	10462,9	10855,5
Жиззах	1033,1	1125,1	1361,9	2693,9	5778,9	8984,7	6470,7	7107,9
Қашқадарё	1969,9	2389,3	3583,4	5193,4	7534,6	6214,7	5148,2	4647,7
Навоий	1965,1	3168,1	4185,4	10892,1	17855,2	15604,2	14672,4	17189,8
Наманган	863,8	1074,8	1340,3	2992,5	4344,1	4229,2	4477,8	4984,4
Самарқанд	912,0	1001,6	1189,4	1878,3	2674,9	3746,0	3920,7	4642,5
Сурхондарё	773,0	879,1	1427,1	2848,3	4552,8	3792,2	4438,7	4169,4
Сирдарё	1382,2	1660,3	2011,1	3280,2	7002,9	8425,4	9257,1	13919,1
Тошкент	1595,0	1507,5	2087,2	3898,4	6970,0	7169,0	9644,5	12056,8
Фарғона	731,6	747,8	822,4	1516,8	2336,2	2916,0	3272,3	3917,2
Хоразм	884,7	885,8	1215,1	1655,6	2718,4	2868,2	4344,3	4517,9
Тошкент.ш	2877,4	3848,1	5552,7	10627,8	16710,5	19065,6	20619,8	19539,4

Келгуси ўрта муддатли даврда фискал сиёсат “Ўзбекистон–2030” Стратегиясида белгиланган мақсадларга эришишга, ташқи сиёсий ва иқтисодий вазиятнинг Ўзбекистонга таъсирини юмшатишга, макроиқтисодий ва фискал барқарорликни таъминлашга, инвестициявий жозибадорликни ошириш, аҳолининг муҳтож қатламини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада яхшилаш, узоқ муддатли инклузив иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилиши режалаштирилган. 2024 йилда бюджет тақчиллигининг юқори чегараси 4 фоиз этиб белгиланиши сабабли инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинадиган ташқи қарз миқдори сақланиб қолиниб, тақчилликни қоплаш учун жалб қилинадиган қисмини оширган ҳолда жалб қилинадиган ташқи қарзнинг чекланган ҳажмини 5,0 млрд АҚШ доллари миқдорида, шундан 2,5 млрд АҚШ доллари Давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, бюджет тақчиллигини молиялаштиришга, қолган қисмини инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириш

белгиланмоқда [1].

Мамлакатимизда инвестиция сиёсати ишлаб чиқилган бўлиб, унда иқтисодиётга маблағларни киритиш учун қулай шароитларни яратиш орқали юқори инвестиция салоҳиятини амалга ошириш белгиланган. Шу ўринда мазкур мақсаднинг амалга ошишида худуднинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, инвестицион муҳитга таъсир этувчи омилларни яхшилаш талаб этилади. Ҳар бир худуднинг ўз маҳаллий ички сиёсатини ишлаб чиқиш асосида худудлар томонидан инвесторларни жалб қилиш учун максимал даражада жозибадор шарт-шароитни яратишга эътибор қаратиш лозим. Худудга капитал оқимини йўналтириш борасида маҳаллий ёки хорижий инвестициялар учун жозибадор шарт-шароитни яратиш умумдавлат даражасига нисбатан худуд даражасида осонроқ ҳал бўлади. Инвестицион салоҳиятни иқтисодий-ижтимоий, географик фарқларни ўз ичига оловчи омиллар нуқтаи-назаридан худудларни тегишли ўзига хос гурӯҳларга бўлиш мумкин. Одатда, худудларнинг абсолют устунликларини аҳоли ва меҳнат ресурсларининг сони, демографик хусусиятлари, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, урбанизация даражаси, транспорт йўлларининг географик жойлашиши ва бошқа бир қатор ўзига хосликлар билан баҳоланади.

Ҳар бир танланган худуднинг кўлами, ташкилий-қонуний тизими ва бюджети, ҳудуд имкониятларини инобатга олган ҳолда ҳудудларга нисбатан кўллаш мумкин бўлган инвестиция сиёсати бўйича масалаларни комплекс ҳал қилиш, бор имкониятларни маълум бир йўналишга ажратиш мумкин:

- ҳудудни стратегик ривожлантиришни ифодаловчи, ҳудудий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш керак. Ушбу дастур маҳаллий ва хорижий ишбилармонлар ўртасида алоқаларни жонлантириш, ҳудуднинг ўзига хослигини курсатиш ҳамда ҳар қандай шароитда ҳам иқтисодий шерикчиликка тайёр эканлигини намойиш қила олишни ифодалashi керак;
- рақамли иқтисодиёт шароитида илм-фан тараққиётини қўллаш асосида кадрлар салоҳиятидан унумли фойдаланиш мақсадида тадбиркорлик муҳитига инновацион технологияларни жорий этиш;

- ҳудудларда ички инвестиция имкониятларини ривожлантириш ва корхоналарга инвестицияларни жалб қилиш жараёнида жадал рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш;
- ҳудудларнинг иқтисодий ва инвестиция салоҳиятини оширишга ёрдам берувчи ишлаб чиқариш инфраструктураси объектларининг янгиланиб боришида давлатнинг рағбатлантирувчи сиёсатини қўллаб-қувватлаш;
- ҳудуд иқтисодиёти самарадорлигини ошириш: ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятлари асосида ривожланишидаги тафовутларни йўқотиши;
- ҳудудларга инвестициялар йўналтиришда ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун эркин иқтисодий зоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш лозим. Эркин иқтисодий зона тараққиёти учун зарур транспорт коммуникациялари ва инфратузилма ривождланишида ташкилий механизмларни янада такомиллаштириш талаб қилинади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон ҳудудлари иқтисодиётига жалб қилинаётган инвестицияларнинг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари бўйича таркибини мувофиқлаштиришда куйидаги йўналишлардаги ислоҳотларни фаол олиб бориш тақозо этилади:

- ҳар бир мuntaқанинг ўзига хос хусусиятидан ва иқтисодий тарихий ривожланиш даражаси, ишлаб чиқариш салоҳияти, устунлик томонлари ва ўсиш заҳираларини ҳисобга олган ҳолда узоқ муддатли ҳудудий инвестицион устувор стратегияларини ишлаб чиқиш зарур;
- ҳудудларга инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш ва инвесторларга имтиёзлар беришни шакллантиришда инвестицияларни қайта ишлаш тармоқлари, ахборот ва коммуникация соҳалари, кимё соҳасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, электроника тармоқлари каби замонавий ҳамда юқори қўшилган қийматга эга соҳаларга йўналтириш лозим. Бу келажакда республика ҳудудларида иқтисодиётга тўсиқ бўлувчи муаммоларнинг барҳам топишига имкон беради;
- давлат кафолати остида бўлмаган тўғридан-тўғри хорижий

инвестицияларни рағбатлантиришда уларнинг хукуқий асосларини такомиллаштириш, янги корхоналар учун кадрлар тайёрлашни ислоҳ қилиш ва худуд инфратузилмасини ривожлантириш зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. «Ўзбекистон–2030» стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрь ПФ-158-сон Фармони. WWW.Lex.uz
2. Бланк И. А. Управление инвестициями предприятий. – Киев: Ника-Центр, Эльга. 2003. – 102 с.
3. Менежмент ва бизнес асослари: дарслик. /С.С.Ғуломовнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: Меҳнат, 1997. – 245 б.
4. Собиров А. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига инвестициялар жалб этишни давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш: иқд.ф.н.илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент: ТДИУ, 2009.
5. Гозибеков Д. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Тошкент: Молия, 2003.
6. https://unctad.org/system/files/official-document/wir2023_Key_Messages_and_Executive_Summary_ru.pdf ДОКЛАД О МИРОВЫХ ИНВЕСТИЦИЯХ 2023.
7. www.stat.uz- Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлиги расмий ахборот сайти